



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG'I

147-son

20 2022-yil '07' aprel

Toshkent shahri

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6257-сон Фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”нинг 34-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2-бўлимининг 16-мақсади ижросини сифатли таъминлаш, вазирлик тизимида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси самарадорлигини ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси (полковник Ф.Одилов), Тарбиявия ва мафкуравий ишлар бошқармаси (подполковник Ш.Хусенов):

шахсий таркиб ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, якка тартибдаги профилактика фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишида Йўриқнома талабларига қатъий риоя қилиниши таъминлансин;

хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси йўналишида амалга оширилган тадбирлар мунтазам равишда таҳлил қилиниб, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

3. Вазирлик Марказий аппарати бош бошқармалари, бошқарма, мустақил бўлим, марказ ва хизматлари, ҳудудий бошқарма ҳамда таркибий тузилмалари бошлиқларига:

Йўриқнома барча қуи тизимга, туман ва шаҳар бўлимларига юборилсин;

Йўриқнома талабларини шахсий таркиб томонидан тўлиқ ўрганиш бўйича ўкув машғулотлари ўтказилсин;

буйруқнинг мазмун-моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин.

4. Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (подполковник Ш.Хусенов), жорий йилнинг 15 май кунига қадар вазирлик тизимида “Ўртоқлик ахлоқ суди” ва “Одоб-ахлоқ комиссияси” фаолиятини ташкил этиш бўйича ички норматив ҳужжат ва буйруқ лойиҳалари ишлаб чиқилсин.

5. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов) икки кун муддатда буйруқ ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин.

6. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилиш Шахсий хавфсизлик бошқармаси бошлиғи полковник Ф.Одилов ҳамда вазирнинг кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник К.Абдижалилов зиммасига юклансин.

Вазир
генерал-майор

 А.Қўлдошев

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2022 йил “4” апрелдаги
“14.7”-сонли буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий
таркиби ўртасида ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги
профилактикасини ташкил этиш тўғрисида**

ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш тўғрисида Йўриқнома (кейинги матнларда Йўриқнома деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг ”Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ҳамда ”Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ”Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6257-сон Фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган ”Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”нинг 34-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ”2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган ”2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2-бўлимининг 16-мақсади ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқа ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади ҳукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2. Мазкур Йўриқнома Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ўтказишнинг мақсади ва асосий вазифалари, уни қўллаш шартлари ва асослари, шахсий таркиб ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

II. Асосий тушунчалар

3. Мазкур Йўриқномада қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмалари - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппарати бош бошқармалари, бошқарма, мустақил бўлим, марказ ва хизматлари, ҳудудий бошқарма ҳамда таркибий тузилмалари;

ваколатли шахслар - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини бевосита амалга оширувчи мансабдор шахслар;

ходим – вазирликнинг ҳарбий хизматчи ва хизматчилари;

ҳарбий хизматчи ва хизматчи - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг ҳарбий хизматчи ва хизматчилари, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларининг курсантлари (tinglovchilari), муддатли ҳарбий хизматчилар;

ишонтириш - ходимга сўз билан таъсир қилиш орқали, уни ғайриижтимоий ҳулқ-атвордан, хизмат интизомини бузишдан ва ҳукуқбузарлик содир этишдан қайтариш, унда хизматга содиқлик, қонунга ҳурмат ва итоаткорлик ҳамда ватанпарварлик руҳини шакллантириш;

ғайриижтимоий ҳулқ-атвор - ходимнинг жамиятда, хизматда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

хукуқбузарлик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

хизмат ёки ижро интизоми бузилиши - ҳарбий хизматчи ва хизматчининг юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда, уларни бажаришда белгиланган тартибларга риоя этмасликда ҳамда умумҳарбий Низом талабларига риоя этмаслик ва зид хатти-ҳаракатларида ифодаланган қилмиши;

номуносиб ҳаракатлар - ҳарбий хизматчи ва хизматчининг ҳукукий мақомига хос бўлмаган ва умумэътироф этилган одоб-ахлоқ меъёрларига зид, шунингдек, маъмурий жавобгарликка асос бўладиган қилмиши;

тушунтириш хати - ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар томонидан содир бўлган ҳодиса юзасидан батафсил маълумотлар, шунингдек, содир бўлган ҳодиса юзасидан маълумотга эга бўлган ва ҳодисанинг гувоҳи бўлган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар ҳамда фукаролар томонидан ҳодиса юзасидан батафсил маълумотлари ва тушунтиришлари;

хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ходим - ўзининг ғайриижтимоий ҳулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳукуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган вазирлик ходими;

якка тартибдаги профилактика – Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи мансабдор шахслари томонидан вазирликнинг ғайриижтимоий ҳулқ-атворли, ҳукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳукуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти;

якка тартибдаги профилактика сухбати – ходимни жамиятда, вазирлик тизимида қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларига

риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш;

якка тартибдаги профилактик сұхбат қайд этиладиган дафтар - амалга оширилган якка тартибдаги профилактика тадбирлари бүйича маълумотлар киритиб бориладиган дафтар;

расмий огохлантириш баённомаси - бевосита якка тартибдаги профилактик сұхбат фаолиятини амалга оширувчи ваколатли шахслар томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ходимга нисбатан ўтказилган якка тартибдаги профилактика ишларини расмийлаштириш хужжати;

ходимга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўгрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ходимни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақидаги огохлантиришдан иборат.

III. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмуни

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси билан бир қаторда умумий профилактика фаолияти ҳам олиб борилади.

Вазирлик тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг **умумий профилактикаси**дир.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси фаолиятида бевосита иштирок этувчи вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, уларнинг ҳудудий бошқармалардаги тегишли бўлимлари коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш мақсадида вазирлик ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тизимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шу жумладан коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи мансабдор шахслари томонидан вазирликнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг **якка тартибдаги профилактикаси** ҳисобланади.

Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий мухитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий майшийшароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-авторини, ҳукуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳукуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-автори тўғрисида, унинг ҳукуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳукуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

IV. Ҳукуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари

5. Вазирлик шахсий таркиби ўртасида ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

вазирлик тизимидағи ходимларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

вазирлик ходимларининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;

ходимларда ғайриижтимоий хулқ-автор ва ҳукуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлик ҳиссини уйғотиш борасида тарғиботташвиқот ишларини олиб бориш;

садир этилган қонунбузилиши ҳолатларининг оқибатлари тўғрисида мисоллар ёрдамида ходимга тушунтириш, унинг бу ҳаракатлари нафақат ўзига, балки ота-онаси, оиласи, фарзандларига таъсир этишини унинг онгига етказиш;

вазирлик ходимининг онги ва феъл-авторида умуминсоний қадриятлар, ўзаро ёрдам ҳиссини мустаҳкамлаш, ҳукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ходимларни тўғри йўлга бошлаш;

кадрлар билан ишлаш, ёш ходимларни тарбиялаш, шахсий таркиб ўртасида ҳукуқбузарликнинг, жумладан порахўрлик ва таъмагирликнинг олдини олишда “Устоз-шогирд анъанаси”, “Жамоатчилик кенгаши” жамоат ташкилотлари ҳамда вазирлик тизимида узоқ йиллар давомида ҳалол, намуна ва ибрат қўрсатиб хизмат қилган нафақадаги фахрийлар имкониятларидан унумли фойдаланиш;

якка тартибдаги профилактик сұхбатлардан керакли хулоса чиқармаган, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган, хизмат интизомини қўпол равища бузган ходимларга нисбатан хизмат текширувлари ўтказиш, “Ўртоқлик ахлоқ суди” ёки “Одоб-ахлоқ комиссияси”да кўриб чиқиш ҳамда ҳарбий хизматчи

ёки хизматчининг тўғридан тўғри бошлиғига нисбатан интизомий таъзир чораси кўрилиши юзасидан таклифлар киритиш;

профилактика тадбирларини амалга оширишда бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш.

V. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг принциплари ва тадбирлари

6. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари кўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

ишонтириш усулининг устуворлиги;

таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш.

7. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари кўйидагилардан иборат:

профилактика сухбати;

расмий огоҳлантириш;

хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш.

8. **Профилактика сухбати** ходимни жамиятда, вазирлик тизимида қабул қилинган хулқ-атворт нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атвортнинг ижтимоий ва хуқукий оқибатларини ҳамда хуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат.

Якка тартибдаги профилактика сухбати Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, уларнинг ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалардаги тегишли бўлимлари томонидан ўтказилади.

Профилактика сухбати вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (ҳудудий бўлимлари)да, шунингдек, ходимнинг хизмат ёки яшаш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атворт аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика сухбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атвортнинг ёки содир этилган хуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

9. Шахсий таркиб ўртасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси сухбати кўйидаги йўналишларда олиб борилади:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш;

хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш; функционал вазифаларни бажаришда шахсий жавобгарликни ошириш; жамиятда ва хизматда ўрнатилган одоб-ахлоқ меъёrlарига риоя қилиниши;

дений экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар, сепаратистик, радикал ва уюшган жиной гурухлар ғоялари ёритиб келинаётган адабиётлардан фойдаланишнинг, ижтимоий тармоқлардаги маъruzаларни тинглаш, видеороликларни кўришнинг олдини олиш;

мухолиф ва бошқа деструктив кучларнинг таъсирига тушиб, миллатлараро турли зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг, ижтимоий тармоқлар орқали маъruzаларни тинглаш, видеороликларни кўришнинг олдини олиш;

давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этилишининг олдини олиш;

ходимлар томонидан турмушда номуносиб ҳаёт кечириш, алкоголь ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп ва ақл-ирода фаолиятига таъсири этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш;

жамоат жойларида ва хизмат пайтида ходимларни турли ҳуқуқбузарликлардан жабрланишининг олдини олиш ва шундай хавфни камайтиришга қаратилган якка тартибдаги профилактик сухбат.

10. Якка тартибдаги профилактик сухбат ўтказиш учун қуидагилар асос бўлади:

давлат органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари, жамоат уюшмалари хабарномаларида, ходимларнинг билдиргиларида, шунингдек оммавий ахборот воситалари нашрларида, интернет тармоғи ҳамда ижтимоий сайтларда ходим тўғрисидаги салбий маълумотлар;

ходим томонидан хизмат фаолияти жараёнида ўзининг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш ва қонуний ҳуқуқини амалга оширишда белгиланган тартиб ҳамда қоидалар бузилганда;

кун тартибига кўра хизматни ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган дастурлар, чора-тадбирлар, режаларнинг ижроси, ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг юритилиши, ахборот хавфсизлиги таъминланишида юзага келган камчиликлар;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ички тартиб-қоидаларига риоя этилиши бузилганда, кун тартибига амал қилинмаганда;

бевосита ва юқори турувчи бошлиқларнинг барча қонуний буйрук ва кўрсатмаларини сўзсиз бажариш таъминланмаганда;

ходим ўз фаолиятини норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга оширмаганда;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бермаганда;

хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тиймаганда;

вазирлик тизимида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишининг белгиланган қоидаларига амал қилмаганда;

“Ватанга қасамёд”, “Одоб-ахлоқ меъёрлари” ва вазирликнинг бошқа идоравий ҳужжатлари талабларига амал қилмаганда;

хизмат бурчини бажариш ҳамда хизматдан ташқари вактда юриштуриш, сўзлашиш ва белгиланган тартибдаги формали кийим-бош кийиш одобига амал қилмаганда;

махфий ва хизмат маълумотларининг ошкор этилишининг олдини олиш чоралари қўрилмаганда.

11. Ўтказиладиган якка тартибдаги профилактик сухбат ходимларни изза қилиш, таъна-дашном ёки танбеҳ орқали эмас, балки уларга маслаҳат ва тушунтиришлар бериш орқали тарбиялаш шаклида бўлиши лозим.

12. Илгари ўтказилган профилактика сухбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳукуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

13. **Расмий огоҳлантириш** шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равища тушунтиришдан, шунингдек ҳукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳукуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳакида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (худудий бўлимлари) ходими томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

14. Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (худудий бўлимлари) ходими ўз ваколатлари доирасида, вазирликнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли ходимлари, ҳукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳукуқбузарликлар содир этган ходимлар ҳакида уларнинг хизмат жойи раҳбарини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳукуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрган ҳолда хабардор қиласи.

15. Ўзига нисбатан ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган ходимлар:

ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳукуқий оқибатларини билишга;

ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишга;

илтимослар қилишга;

юридик ёрдам олишга;

Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (худудий бўлимлари) ходими қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган ходимлар Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (худудий бўлимлари) ходимининг қонуний талабларини бажариши шарт.

VI. Профилактика хужжатлари юритилиши ва бошқа таъсир чоралари

16. Шахсий таркиб ўртасида хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, якка тартибдаги профилактик сухбатлар бўйича маълумот киритиб бориладиган дафтарни юритиш вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси (худудий бўлимлари) томонидан амалга оширилади.

17. Вазирлик тизимида шахсий таркиб ўртасида хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисботлар Шахсий хавфсизлик бошқармаси (худудий бўлимлари) томонидан юритилади.

Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (худудий бўлимлари) томонидан якка тартибдаги профилактика йўналишида олиб борилган ишлар юзасидан маълумотлар Шахсий хавфсизлик бошқармаси (худудий бўлимлари)га ҳар ой якунида асословчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этилади.

18. Дафтарда якка тартибдаги профилактик сухбат ўтказилаётган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, унвони, профилактика ўтказилган кун ва вақти, ўтказилган профилактика йўналиши, профилактика ўтказган таркибий тузилма ёки ходим, қабул қилинган қарор акс эттирилади.

19. Якка тартибдаги профилактик сухбат тадбирларини ўтказишида, унинг таъсир воситалари ишонтириш, шахсий ибрат, “Ўртоқлик ахлоқ судлари” ва “Одоб-ахлоқ комиссияси”да муҳокама қилиш кабилардан кенг фойдаланилади.

20. Якка тартибдаги профилактик сухбатлар юзасидан тузилган расмий огоҳлантириш баённомалари Шахсий хавфсизлик бошқармаси (худудий бўлимлари)да Якка тартибдаги профилактик сухбатлар йиғма жилдида сакланади.

21. Мазкур йиғма жилдда Якка тартибдаги профилактик сухбат ўтказилган ходимнинг маълумотномаси (объективка), профилактика мазмунида ўтказилган сухбатнинг **расмий огоҳлантириш баённомаси**,

профилактика йўналишида амалга оширилган ва юритилган бошқа хужжатлар жамланади.

22. Вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси шахсий таркиб орасида салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида, вазирлик Марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларига бундай ҳолатларнинг олдини олиш, якка тартибда профилактик сұхбат тадбирларини кучайтириш юзасидан кўрсатма, топшириқ ва бошқа турдаги хатлар юборади.

Мазкур кўрсатма хатида хизмат интизомининг ахволи, якка тартибда профилактик сұхбат тадбирлари самарадорлигининг таҳлили, баҳолари ва хулосалари, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда қўлланилган интизомий жазолар акс эттирилади.

23. Ходимга нисбатан профилактика сұхбати ва расмий огохлантириш ўтказилганидан кейин унда ижобий томонга ўзгариш бўлмасдан, олдинги ножўя хатти-ҳаракатларини давом эттирган тақдирда, ходимлар масаласи “Ўртоқлик ахлоқ судлари” ёки “Одоб ахлоқ комиссияси”да кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш жараёнида ҳолатдан келиб чиқиб, ходимнинг ота-оналари, кариндош-уруғлари, маҳалла фаоллари таклиф қилиниши мумкин.

24. Муҳокамалардан ўзига тегишли хулоса қилмаган, ижобий томонга ўзгармаган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда хизмат текшируви ўтказилади ва ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг оғир ёки енгиллик даражасига қараб, интизомий жазо қўллаш масаласи белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VII. Якунловчи қоидалар

25. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари чекланишига, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга, шахсий ҳаёт, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сир сақланиши, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш, шунингдек шахсий дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги бузилишига йўл қўйилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

26. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Мазкур Йўриқнома талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 1-илова

Якка тартибда ўтказилган профилактика (*профилактика сұхбати*)

ёки расмий огохлантириш йўналишидаги

БАЁННОМА*

№ _____

20 ____ йил “ ” вилоят (шахар)

Соат “ ” дан “ ” гача

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш;
- хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;
- функционал вазифаларни бажаришда шахсий жавобгарликни ошириш;
- оиласда, жамиятда ва хизматда ўрнатилган ахлоқий-нормаларга риоя қилиш;
- давлат ва хизмат сирларининг ошкор этилишини олдини олиш;

қайси йўналишда профилактика ўтказилаётганига қараб ”Х” белгиси қўйилади.

Мен, _____

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги _____

билин якка тартибда профилактика сұхбатини ўтказдим.
Сұхбат давомида, ходимга _____

_____ тушунтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 279-302-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми ҳамда Одоб-ахлоқ меъёрлари билан таништирилди ва огохлантирилди.

Биринчи ва учинчи йўналишда профилактика ўтказилаётганда ”Х” белгиси қўйилади.

ТАНИШДИМ: _____
(профилактика сұхбати ўтказилган ходимнинг Ф. И. Ш.) (имзо)

*- *Изоҳ:* Ўтказилаётган “якка тартибдаги профилактика” турига қараб профилактика баённомасидаги “профилактика сұхбати” ёки “расмий огохлантириш” жумлаларининг тагига чизилади.

(Бланканинг орка томони)

Якка тартибдаги профилактика ўтказилаётган ходимнинг ҳолат юзасидан тушунтириши ва фикр мулоҳазалари ёки эътирозлари кўрсатилади¹

(профилактик сухбат ўтказилган ходимнинг Ф.И.Ш)

(имзо)

¹ Мазкур қисм тўлдирилмаганида ёки тўлик тўлдирилмаганида очик қолган қисми кейинчалик маълумот киритилишини истисно этадиган ҳолда чизиб ташланади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида хукукбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш тўғрисидаги йўрикномага 2-илова

РАСМИЙ ОГОХЛАНТИРИШ

(ходимнинг лавозими, унвони ва Ф.И.Ш.)
хизмат фаолиятида куйидаги камчиликлар (хизмат интизомини бузиш)га:

(масалан, хизмат жойида сўроқсиз бўлмаганини, вазифаларни лозим дараёсада баъжармаганини, шунингдек, ходимнинг ахлоқсиз ҳаракатлари, таъмагирликка йўл қўйганлиги, хизмат бишан боғлиқ бўлмаган турли ишларга аралашганлиги борасида текширилмаган ва тасдиқланмаган маълумотлар бўлганда ва ҳоказо) йўл қўйганлиги, ушбу камчиликлар (хизмат интизомини бузиш) келгусида такрорланган тақдирда, тегишли жавобгарликка тортилиши хақида огохлантирилади.

ОГОХЛАНТИРИЛДИМ:

(имзо)

Ф.И.Ш.

Огохлантириш ўтказдим:

(имзо)

Ф.И.Ш.

Изоҳ: огохлантириши фақат вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тарбиявий ва мафқуравий ишлар бошқармаси, уларнинг ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалардаги тегишли бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Фавкулодда вазиятлар вазирилги шахсий таркиби ўртасида
хукукузарникларнинг якка тартиблаги профилактикасини
ташкил этиш түгрисидаги йўрикномага З-илова

**Якка тартибда ўтказилган профилактика сұхбатларини (расмий
огохлантириш баённомаларини) қайд этиши**

ДАФТАРИ * (намуна)

t/p	Ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, унвони ва вакти	профилактика ўтказилган профилактика йўналини	Ўтказилган профилактика ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, унвони	профилактика ўтказилган таркибий гузилима, ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, унвони	профилактика ўтказилган таркибий гузилима, ходимнинг хуросаси
1	2	3	4	5	6
1	Ботиров Бекзод Алимович, инспектор, лейтенант	1.03.2022 й Coat 15.00	Хизмат интизомини мустажкамлаш йўналинида	Ахмадалиев Шуҳрат Шодиевич, бўлим бошлиги, капитан	Йўл кўйган камчилклари учун интизомий жазога торпилади
2					

*-Изоҳ: Дафтар ўрнатилган тартибда ракамланган, тикилган ва муҳрланган бўлиши шарт

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ўртасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 4-илова

башкармаси ходимларига нисбатан 20 ____ йилнинг “____” кунидан 20 ____ йилнинг “____” ____ кунига қадар ўтказилган “якка тартибда ўтказилган профилактика” фаолияти юзасидан

ҲИСОБОТ

t/p	профилактика ўтказилган ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими ва унвони	Ўтказилган профилактика йўналиши	профилактика ўтказилган сана	Қисқача мазмуни, тавсифи ва кўрилган чора	профилактика ўтказилган таркибий тузилма
1					
2					
3					